

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 20 февраль жума

Сотувда эркин нархда

№ 38 (1819)


РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

## МУАММОЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Вазирлар Маҳкамасида 19 февралда хусусийлаштирилган корхоналарнинг иши ва республика фонд бозорига четдан инвесторларни, жумладан, хорижий инвесторларни жалб этиш учун шарт-шароит яратиш масалаларига бағишланган кенгаш бўлди.**

Кенгашни Ўзбекистон Бош вазири Ў.Султонов бошқарди.

Унда вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар ва уюшмаларнинг раҳбарлари, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, хусусийлаштирилган корхоналарнинг, бозор тузилмаси муассасаларининг раҳбарлари иштирок этди.

Кенгаш иштирокчилари корхоналарни акциялаш натижалари тўғрисидаги ахборотни тингладилар. Давлат мулки бўлган иншоотларни хусусийлаштириш чоғида ижобий натижаларга эришилгани айтилди: мамлакатда кўп укладли иқтисодиёт шаклланмоқда, мулкни қайта тақсимлаш жараёни бормоқда, мулкдорлар синфи вужудга келмоқда, ишлаб чиқаришни бошқариш тизими ўзгармоқда.

Бироқ бу ишда ҳали бир қанча жиддий камчиликлар мавжуд. Кўп ҳолларда корхоналарнинг раҳбарлари акциялаш жараёнларида, инвесторларни жалб этишда етарли фаоллик кўрсатмаяпти. Хусусийлаштиришга расмиятчилик билан ёндашиш ҳоллари ҳам тез-тез учрамоқда. Бу эса ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир қилмоқда. Мулк шакли ўзгарган корхоналар фаолияти четдан инвесторларни жалб этиш тартибига муайян ўзгартишлар киритиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Кенгашда бу тартибни такомиллаштириш, биринчи навбатда фонд бозорига чиқариладиган акцияларнинг дастлабки савдосидан акциядорлик корхоналари манфаатдорлигини ошириш хусусида аниқ таклифлар айтилди.

Кенгашда Бош вазир ўринбосари В. Чжен, Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г. Саидова сўзга чиқди.

(ЎзА)



АЙЛАНАДИ СОАТ МИЛЛАРИ

ПАЙШАНБА ХАБАРЛАРИ

• ЁШАРИШ

### МЕЪМОР-УСТАЛАР ҲИММАТИ

*Челак туманидаги Хартанг қишлоғида жойлашган имом ал-Бухорий мақбараси ва масжид-мажмуасини нозик дид ва шарқона талаб даражасида бунёд этиш меъмор-усталарнинг ишидир. Буни ҳис этган самарқандлик бир гуруҳ меъморлар буюк ҳадисшунос бобомизнинг 1225 йиллик таваллудлари боис Шоҳи Зиндадаги Қусам ибн Аббос, Хартангдаги имом ал-Бухорий мақбараларини обод қилиш ишида фаол қатнашиш истагини билдирдилар. Усталар кошинкорлик, буруш, наққошлик, сопол қопламалар хомашёси ҳам ўзимиздан бўлади, дейишди, дея хабар қилади мухбиримиз Гули Чеҳра.*

• НАҲОТКИ

### ТУЗЕЛДА ПАЛЬТО КИЙИБ УХЛАШАДИ

*Тузел дегани қаерда экан, дерсиз. Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги Туроб Нурмуҳаммедов номли жамоа хўжалигига қадам ранжида қилсангиз, худди шу ном билан аталувчи кўчани топасиз. Кўчада икки юздан ортиқ хонадон бор. Ғалати томони, уларнинг ҳаммаси пальтоларга ўралиб ухлашади. Негаки, у ерда ўтган йилнинг декабридан буён табиий газ йўқ. Уйлар совуқ.*

*Бир келса қўша-қўша, икки келса ерни тешар деганларидек, ушбу кўчада электр таъминоти ҳам чатоқ. Бир кун бор, икки кун йўқ. Бунга сабри чидамаган уруш ва меҳнат фахрийси Абдуқодир Тожибоев туман электр тармоғи ходимларига телефон қилса, «Хоҳлаган жойингизга бемалол арз қилаверинг...» деган жавобни олибди.*

*Хўш, бу нима? Масъулиятсизликми ёки таҳқир. Электр таъминоти идораси бошлиғи Турғун Ибрагимовнинг ишга бундай муносабатини қандай баҳоласа бўлади?*

• ХУШХАБАР

### ГАП ИШЛАШДА ҚОЛДИ

*— Тўй қутлуғ бўлсин!*

*Муборак туман телестудиясига борганлар журналистларни шундай дея бағирларига босишди. Телестудиянинг беш йиллик байрамига туман ҳокими К. Остонов ҳам ўз совғаси билан келди. У теледастурларнинг таъсир даражасини, журналистлар фақат ижод-ла банд бўлишларини ҳисобга олиб, махсус қарор қабул қилди. Унга кўра, «Муборакгаз» газ конлари бошқармаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Иссиқлик энергияси маркази ва «Муборакнефтгазмонтаж» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари телестудияга ҳомий этиб кўрсатилдилар.*

*— Энди гап ишлашда қолди, — дейди журналист Очил Тоҳиров.*

• ЖИНОЯТ

### ЎРИНДИҚ ОСТИДАГИ «БИСОТ»

*— Бу нима, — деди божхона ходими қопдаги «бисот»га ишора қилиб. Автомашина эгаси эса саволга эшитилар-эшитилмас жавоб берди: у мато...*

*Фарғона вилояти божхона бошқармасининг 6-сонли «Риштон» божхона маскани ходимлари В. Қодиров ҳамда О. Ғофуровларда Қирғизистон Республикасидан айланма йўл орқали келаётган енгил автомашина шубҳа уйғотди. Уни тўхтатиб, текширилганда олд ўриндиқ тагидан бир килодан ортиқ наркотик модда — наша топилди.*

*— Қирғизистон фуқаролари А. К. ҳамда Б. М.ларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 246-моддаси бўйича жиноий иш қўзғатилди.*

**З. ЙИГИТАЛИЕВ,**
**Фарғона вилояти божхона бошқармаси матбуот гуруҳи назоратчиси.**

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55, 133-07-48, 136-37-85

«Соат миллари»ни Қ. ЭШМАТОВ кузатди.

## ТАШРИФ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**КИЕВ, 19 февраль.** Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Украинага расмий ташрифи давом этмоқда.

Бугун мамлакат пойтахтидаги Мариинск саройининг яшил залида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Сўнг ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Президентлар Ислом Каримов ва Леонид Кучма Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасидаги "Дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисида"ги шартномани имзоладилар. Шунингдек, икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасида ўндан зиёд ҳукуматлараро ҳужжат ҳам қабул қилинди.

Маросим сўнггида икки давлат раҳбарлари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Ўзбекистон раҳбари иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида қурбон бўлган украин фарзандлари хотирасига ҳурмат бажо этиб, номаълум аскар қабрига гулчамбар қўйди.

Давлатимиз раҳбари Украина Бош вазири В. Пустовойтенко билан учрашди. Учрашув чоғида имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада юқори поғонага кўтариши таъкидланди.

Куннинг иккинчи ярмида давлатимиз раҳбари Украина Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг Гидротехника ва мелиорация институтига ташриф буюрди. Украина олимлари ишлаб чиққан илмий тадқиқотлар билан танишди. Суғориш ва қишлоқ хўжалиги техникаси кўргазмасини кўздан кечирди. Қишлоқ хўжалиги соҳасининг етакчи мутахассислари билан суҳбатлашди.

Айни пайтда Президент Ислом Каримовнинг Украина Верховна Радаси — Парламенти раиси А. Мороз билан учрашуви кутилмоқда.

**Аҳмад ХЎЖА.**
**(ЎзА)**

Сурхондарё вилояти ҳокимлигида ана шу мавзуда семинар ўтказилди. Унда вилоят шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва касаба уюшмалари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

### ОИЛА ВА ҲУҚУҚ

Семинарда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш, хотин-қизлар маданий ва ҳуқуқий савиясини юксалтириш бўйича муҳим ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. 1998 йил Оила йили деб эълон қилингани бунинг яна бир яққол далилидир. Сўзга чиққанлар оила ва аёллар манфаатларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий шароитини тобора яхшилаш, хотин-қизларнинг жамоат ишларида фаол қатнашиши учун зарур шарт-шароит яратиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирди.

Вилоят ҳокими Ж. Норалиев семинарда сўзга чиқди.

**Ч. ТЎХТАЕВ.**

## ЎЗАРО МАНФААТДОРЛИК АСОСИДА

Тенг манфаатдорлик асосига қурилган иқтисодий ҳамкорлик ўз самарасини бериши турган гап. Самарқандлик ишбилармонлар ҳам бир неча йиллардан буён украиналик шериклари билан ана шундай алоқани йўлга қўйган. Жумладан, "Агротехкомплект" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти Украинадаги "Кунц" корхонасига 600 минг АҚШ доллари миқдоридаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берди. Бунинг эвазига эса шериклар юртимизга трактор ва турли эҳтиёт қисмларни келтиришди. Киевдаги "Крок" жамияти билан тузилган шартномага мувофиқ, ҳар хил қурилиш материаллари, бўёқ ва пайвандлаш ускуналари келтирилди.

Бундай ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Вилоятда "Озод" ва "Суғдаслав" сингари Ўзбекистон-Украина қўшма корхоналари самарали фаолият кўрсатаётир.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Қибрай туманидаги «Роҳат» ҳиссадорлик жамияти ўз маҳсулотлари бозорини тобора кенгайтирмоқда. Бу корхона ишлаб чиқараётган яхна ичимликларни эндиликда Ўзбекистондан ташқарида ҳам яхши билишади. Айни вақтда завод «Қаҳрабо», «Серино» ва бошқа қатор ичимликлар ишлаб чиқармоқда. Бу маҳсулотлар турли кўргазмаларда намойиш этилган.

Корхона аҳли изланишда давом этаяпти. Ўтган йилнинг интиҳосида «Ифтихор» номли янги ичимлик ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.







**СУРАТЛАРДА:** микробиолог М. Алиматова ва лаборатория мудири М. Ҳожимуротова; қуйиш дастгоҳи созловчиси А. Жалилов; ўз ишининг устаси Х. Исмоилова.

**Х. МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.**

## ЙЎЛЛАР ҚИТЪАЛАРНИ БОҒЛАЙДИ

Тошкентда Ўзбекистон, Хитой ва Қирғизистон делегацияларининг ушбу уч мамлакат ўртасида транспорт коммуникацияларини ривожлантириш масалаларига бағишланган ҳукуматлараро мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов очди.

Унда ўзаро келишилган йўналишлар бўйича Ўзбекистон, Қирғизистон ва Хитой ҳудудларида автомобилларда йўловчи ва юк ташиш учун қулай шарт-шароит яратиш, транспорт воситаларининг чегара ва божхонадан ўтиши, йўловчи ёки юк ташишдан қўлга киритиладиган даромаддан солиқ олиш тартиблари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Мажлис якунида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Хитой ҳукуматлари ўртасида халқаро автомобиль алоқаси тўғрисидаги Битим имзоланди. Ҳужжатни Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов, Қирғизистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари К. Нанаев, Хитой коммуникация вазири ўринбосари Х. Сицзе имзоладилар.

Ушбу ҳужжат Тошкент-Андижон-Ўш-Иркештом-Қашқар йўналиши бўйича мамлакатлараро автомобиль алоқасини ўрнатиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Бу йўналиш Ўзбекистон ва Қирғизистон учун Хитойнинг шарқий портлари, хусусан, Лянюнкан портига чиқадиган энг яқин автомобиль йўли вазифасини ўтаса, Хитой учун эса Европа бозорларига чиқадиган энг қулай кўприкдир. Қолаверса, ушбу йўналиш уч давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ривожида ҳам муҳим ўрин тутади. Имзоланган ҳужжатда қайд этилишича, Тошкент-Андижон-Ўш-Иркештом-Қашқар йўналиши биринчи навбатда ишга туширилиши лозим бўлган автомобиль йўлидир. Томонлар кейинчалик бошқа қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишни ҳам режалаштирган. Шунингдек, келишувга биноан, томонлар ўз мамлакатлари ҳудудида йўллар сифатини яхшилаш, уларни ўз вақтида таъмирлаш, контрабанда маҳсулотлари ҳаракатини назорат қилиш, имконият даражасида автотранспорт воситаларига бўлган талабни қондиришни ҳам ўз зиммасига олади.

(ЎзА)

БОЗОР САБОҚЛАРИ

## БАНКРОТЛИК НИМА?

**Агар сиз суҳбатдошингиздан «Биз қайси даврда яшаяпмиз?» деб сўрасангиз, аксарият ҳолларда «Албатта, бозор иқтисодиёти даврида-да» деган жавобни айтиши мумкин. Нимага асосланиб бундай деяётганини суриштирсангиз, нарх-навонинг ўзгарганлигига, кўп нарса бозорда сотилаётганига ишора қилади. Мазкур савол моҳиятини дурустроқ тушунган кишилар эса «Биз бозор муносабатларига ўтиш даврини бошдан кечиряпмиз», дейди. Хўш, ўтиш даври қачон тугайди? Қачон жамият аъзолари бозор иқтисодиёти қонунларини тўла англашса ва риоя этишса, чинакам орзу қилган даврга етамиз. Демак, эркин иқтисодий шароит вужудга келиши йўлида бир қанча шартлар борки, улардан бири рақобатбардошлик муҳитида рўй берадиган воқелик — банкротликдир.**

- **ҚОНУННИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИНИ БИЛАСИЗМИ?**
- **РАҲБАРЛАР ҚОНУННИ ЎҚИЙДИМИ? ЎҚИСА, УНГА РИОЯ ҚИЛАДИМИ?**
- **ГАП РЕЖАДА ЭМАС, ДАРОМАДДА!**
- **СУД СУДЛИГИНИ ҚИЛСИН!**

Банкротлик тушунчаси тилимизга ўзга тиллардан кириб келганлиги учун чет сўзлар луғатини варақлаймиз. Унда баён этилишича, банкротлик немисча банкротт, итальянча банкротта сўзларидан олинган бўлиб, луғавий маъноси қарзни тўлашга ноқодирлик, тўловларнинг тўхташи ёки ночорлик, ҳалокат, барбод бўлиш каби маъноларни англатар экан.

Шўро даврида ком фирқа мафкураси таъсирида банкрот корхоналарнинг бўлиши социализмга ёт бўлгани каби умуман банкротлик тушунчаси ҳақида сўз ҳам юритилмасди. Қизил салтанат, айтайлик, ишсизлик ҳолатини қандай бекитса, банкротликни ҳам узоқ вақт кўриб-кўрмасликка олиб келди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жаҳон ҳамжамиятидан ўз ўрнини эгаллаш йўлида дунё тан олган қонунчилик тизимини яратишга астойдил киришди. Шу саъй-ҳаракат туфайли ҳар тарафлама муҳокамалардан сўнг 1994 йил 5 майда Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонун кредиторларнинг даъволарини қондириш мақсадида хўжалик юритиш субъектлари бўлмиш юридик ва жисмоний шахсларни банкрот бўлган деб эътироф этиш шартлари ва тартибини белгилаб берди. Бешта бўлим, 35 та моддадан ташкил топган мазкур ҳуқуқий ҳужжат мамлакат ҳудудида мулкий муносабатларга нисбатан татбиқ этилиши таъкидланди.

Банкротлик тушунчаси Қонунда шундай ифода этилади: «Хўжалик юритиш субъектининг банкрот бўлиши дейилганда қарздорнинг мажбуриятлари мол-мулкидан ошиб кетганлиги сабабли товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўлаш юзасидан кредиторларнинг талабларини қондиришга қодир эмаслиги, шу жумладан, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги тушунилади». Ҳаммаси аниқ-тиниқ битилган. Бундан ташқари, ушбу Қонунда хўжалик юритиш субъектларининг мулкий жавобгарлиги, банкрот бўлишга олиб келган ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар, банкрот бўлганликка доир ишларни юритиш, тугатишга доир ишни юритиш каби ҳаётда учрайдиган кўплаб ҳолатларда қандай йўл тутиш кераклиги моддама-модда ёзиб қўйилган.

Лекин қонун фақат қоғозда ёзиб қўйиш учун яратилмайди. Ахир бугунги кунда ҳуқуқий адолатли демократик жамият қураётганлигимиз ҳақида деярли ҳар қадамда эшитишимиз, ўқишимиз мумкин. Ҳуқуқий давлат эса ҳамма томонидан амал қилинаётган қонунлар билангина воқеликка айланади. Олайлик, башанг кийинган, машинанинг юмшоқ ўриндиғида гердайиб кетаётган корхона раҳбарини сиз дунёқараши торликда, савияси юзаки эканлигида айблаб кўринг-чи? Балога қоласиз. Чунки у ўзини бу дунёда ҳеч кимдан кам кўрмайди. Лекин ўша амалдор кун сайин зарар «тоғ»ини юксалтириб бораётган корхонага раҳбар. Агар «Нега зарардан бошингиз чиқмай қолди?» деб сўрасангиз, «Иш билмаслигимиздан, ношуд-ноуддалигимиздан» дейиш ўрнига бир олам баҳонани қалаштиради. Жуда гап топилмаса, «Ҳа, энди, шунақа давр, бошқалар ҳам зарар кўряпти-ку» деб ўзини оқлагандай бўлади.

(Давоми 2-бетда).

УШБУ СОНДА


2-бет МУЛКДОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

3-бет ТИЛДА ҲИКМАТ КЎП

4-бет ЁДГОРЛИКЛАРНИ ТИКЛАШГА ТЎҒРИ ЁНДАШАЙЛИК




# БАНКРОТЛИК НИМА?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Баъзан ўйга толаман: хўш, ўша раҳбар аллақачон ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб кетган қонунларни ўқирмикан? Агар ўқиса, унга риоя қилиши шарт эканлигини хаёлига келтирармикан? «Мен бош бўлган корхонанинг иқтисодий аҳволи жар ёқасида турибди, энди қонуннинг фалон моддасига биноан шундай қилишим керак», деган фикр кўнглидан ўтармикан? Биз қонунларни ҳамма-ҳамма, оддий одам ҳам билиши керак, деймиз. Оддий одамдан аввал ўзини раҳбар санаган амалдору мансабдорлар қонунни дилига жойламаган бўлса, нима қилиш керак?! Аслида мана шу лавозим эгаси халққа, бирга ишлаётган ходимларига қонунни тушунтириши керак эмасми?

Йўқ, унинг вужуд-вужудига маъмурий-буйруқбозлик қусурлари сингиб кетган. Ҳатто баъзи амалдорлар орасида ўз фикрини ўтказиш, буйруқ орқали иш юритишни раҳбарликнинг ярашиғи деб ўйлайдиганлар бор. Яқинда шундай мулоҳаза юритиб юрган кишилардан бири билан гаплашиб қолдим. Анча йиллар хўжалик раҳбари лавозимларида ишлаб келган бу одам ўзи яшаётган хўжаликнинг янги раисидан нолиб қолди:

— Шунча йил жонимни жабборга бериб ишладим. Энди бўлар, 50-60 гектарча ер олиб фермерлик қилай, деган фикрда раисга гапирсам, юзинг-кўзинг демасдан «Марҳамат, ариза ёзинг, умумий мажлисга қўямиз, қарор чиққандан кейин ерга эгалик қиласиз» деса бўладими?! «Ҳой, ўзим раис бўлганимда қанча-қанча одамларга бир лаҳзада ер берганман. Умумий мажлисинг нимаси?» демоқчи бўлдим-у, ўзимни босдим...

— Раис ҳамма учун мавжуд тартиб бўйича тўғри айтибди, нега жиғибийрон бўласиз? — дедим.

— Мен «ҳамма» эмасман, бизнинг даражамиздаги одамлар учун масала истисно тарзида ҳал қилиниши керак...

Ҳарчанд уринмайин, бу одамга энди замон бошқача эканлигини тушунтиролмадим. У кишига қараб нега қонунлар асосида ишлашга ўтишимиз қийин кечаётганлигини тушунгандай бўлдим.

Кўп йил ишлаб қўйган одам ҳам, энди ҳаёт бошида турган ёш ходим ҳам замон ўзгариб бораётганлигини дил-дилидан ҳис этмоғи керак. Лекин баъзан ким янгича ишлаяптию, ким эски қолипдан чиқолмаётганини дафъатан фарқлаш қийин. Бир қарашда фидойи бўлиб кўринган одам ҳам эскиликка ёпишиб олган бўлиши мумкин. «Режани нима қилиб бўлса ҳам бажарсак эди, у ёғи бир гап бўларди», қабилида иш тутувчилар ўзини жонкуяр деб ҳисоблаши табиий. Бугунги давр эса «Ўша режа бизга қанча даромад келтирди, деҳқоннинг косасини оқартирдими?» деган саволни кўндаланг қўймоқда. Мана, Хоразм вилояти деҳқонларини олайлик. Улар 1997 йилда дон, пахта тайёрлаш режаларини биринчилар қатори адо этишди. Лекин якуннинг даромад бандига кўз ташласангиз, рақамларнинг чўғи паст. Вилоятда зарар кўриб ишлаётган хўжаликлардан 9 таси санация қилинмоқда. Хива туманидаги ал-Хоразмий номли жамоа хўжалиги 823 гектар ерда пахта, 185 гектар майдонда шоли етиштирди. Ҳосилдорлик тегишли равишда 32,2 ва 41,3 центнерни ташкил этди. Шоликорлар ярим миллион сўмдан зиёд фойда олишди, пахта етиштириш натижасида 11 миллион сўмдан зиёд ... зарар кўрилди. Бундан ташқари, хўжаликнинг кредиторлик қарзлари, банк ссудаси бўйича қарзлари ҳам анчамунча. Хонқа туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги 1733 гектар ерга чигит экиб, ғалвирни сувдан кўтарганда пахтачиликдан 14 миллион сўм атрофида зарар кўрди. Бундай мисолларни Хоразмнинг Янгиариқ, Урганч, Гурлан, Қўшкўпир, Боғот, Ҳазорасп ва бошқа туманларидан ҳам келтириш мумкин. Демак, гап фақат режада эмас. Энг муҳим кўрсаткич даромад бўлмоғи керак. Шу боисдан ҳам Президентимиз шу йил 14 февралда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари, республика вазирликлари, қўмита, уюшма ҳамда компаниялари раҳбарлари билан учрашувда «ҲАР ҚАЙСИ ОИЛА ЎЗИНИНГ ИШИГА ҚАРАБ, ЖОНКУЯРЛИГИГА ҚАРАБ ДАРОМАД ОЛМАСА, ИШИМИЗДА РИВОЖ БЎЛМАЙДИ» деган фикрни қайта-қайта уқтирдилар. Даромад қаерда бўлади? Қаерда зарарга чек қўйилган бўлса, қаерда банкротлик чоҳидан нари юрилса. Зарар ҳақида сўз кетган жойда соф даромад нима қилсин?!

Бизнинг қонунларимиз иш натижасини яхшилашга кўмак бериш учун яратилаётганлигига шубҳа йўқ, албатта. Лекин ўша қонунга айнан қонун посбонлари лоқайд қараша нима дейсиз? Масалан, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида шундай ёзилган: «Тўловга лаёқатсизлик тўғрисида ариза бермаганлик ёки аризани вақтида бермаганлик учун хўжалик суди хўжалик юритиш субъектининг раҳбарига ёки бошқа ваколатли шахсга энг кам иш ҳақининг беш барobaридан ўн баробаригача миқдорда жарима солади». Демак, қайси корхона раҳбари тўловга лаёқатсиз бўлганлигини вақтида хабар қилмаса жазоланар экан. Хўш, Қонун қабул қилингандан буён ўтган уч йилдан зиёд давр мобайнида ким шундай жазо олди? Олий хўжалик судига шу савол билан мурожаат қилганимизда, бизга тақдим этилган маълумотномаларнинг бирор жойида тўловга лаёқатсизлик тўғрисида ариза бермаганлик учун жарима солинганлиги кўрсатилмаган. Хўш, буни қандай баҳолаш керак? Кўнгилчанликми, қонунга риоя қилмасликми? Ахир бундай муносабат билан бозор иқтисодиётига қандай ўтамиз?

Юқоридаги аҳволнинг яна бир хавфли томони бор. Илгарилари мавжуд бўлган меҳнатга ҳақ тўлашда текисчилик сиёсати эндиликда қанчалик зарарли бўлса, банкротга келган корхона раҳбарларига муносиб баҳо бермаслик шунчалик ишимизга тўсиқ бўлади. Шунинг учун суд судлигини қилиши, раҳбарни мавжуд қонун ва меъёрий ҳужжатлар ижроси бўйича сўроққа тутиши зарур. Президентимиз ибораси билан айтганда, занжир халқасини ўзимиз узишимиз керак.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи.**

# МУЛКДОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

**Н. Муродов номли хўжалик нафақат Шеробод туманида, балки Сурхондарё вилоятида ҳам энг намунали, ибрат олса арзигудек жамоалардан ҳисобланади. 1996 йилнинг августидан эътиборан меҳнат аҳли хўжалик юритишнинг янги шакли — ёпиқ турдаги пайчилик жамияти усулида ишламоқда. Биз мазкур пайчилик жамияти бошқаруви раиси Шоди БЕККЕЛДИЕВ билан суҳбатлашдик.**

**— Шоди ака, сиз совхозга ҳам, колхозга ҳам раҳбарлик қилгансиз. Ширкат усулининг яхши-ёмон жиҳатлари ҳам сизга маълум. Бугунги кунда эса ёпиқ турдаги пайчилик жамияти раисисиз. Иш юритишнинг пай шакли афзалликлари нимада?**

— Айтиш керакки, замона ҳар қанча эврилмасин, хўжалик юритиш усуллари ўзгартирилмасин, одамлар топширилган вазифага лоқайд муносабатда бўлган жамоада ўзгариш қилиш қийин. Халқимиздан миннатдорман, ҳаммаси меҳнаткаш, ўз ўрнини, ўз вазифасини билиб ишлайди. Совхоз пайтида, очиғи, таъминотда қатор имтиёзлар бор эди. Деҳқон фақат далада ишлашни, ҳосил етиштиришни биларди. Ёнилғи ҳақида, ўғит тўғрисида қайғуришни сира хаёлимизга келтирмасдик. Ачинарлиси шуки, бу усул охироқибатда кўпчиликни бепарволикка, боқимандаликка ўргатди. Одамлар онгида «давлат бизни боқади, нима керак бўлса таъминлайди» деган тушунча пайдо бўлди. Шунинг учун дастлаб ширкат шаклига ўтганимизда анча қийналдик. Боқимандалик кайфиятидан қутулиш осон бўлмади. Лекин иш юритишнинг ширкат усули халқимизни қўл қовуштириб ўтириш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслиги «касали»дан халос этди. Бошқача айтганда, шу усулда биз хўжалик ҳисобига ўтиб ишлашни, ўзимизни ўзимиз маблағ билан таъминлашни ўргандик.

Ёпиқ турдаги пайчилик жамиятига ўтилгач, ҳар бир мулк (ер, техника, дарахтлар, бинолар ва ҳоказо) ҳисобга олиниб, ишчилар сонига бўлиб чиқилди. Бизда 2145 нафар киши меҳнат қилади. Ҳар бир ишчининг умуммулкда ўз улуши бор. Бир меҳнатчининг умуммулкдаги ҳиссаси ёки пай улуши 23701 сўмни ташкил этди. Илгари бирор ишчи бошқа ишга ўтмоқчи бўлса, фақат меҳнат дафтарчасини олиб, хайрхўшлашиб кетаверарди. Энди умуммулкдаги ўша 23701 сўмга эга бўлади. Мақтаниш бўлса ҳам айтай: бизда шароит яхши, деҳқон меҳнатига яраша ҳақини олаяпти. Шунинг учун бошқа хўжаликлардан ҳам ўтиб ишлашга талабгорлар жуда кўп. Лекин биз олдингидай, яъни колхоз-совхоз давридагидай, иш сўраб келган, аъзо бўламан, деган кишиларни қабул қилолмаймиз. Жамиятимиз ёпиқ турдаги пайчилик жамияти деб номланишининг моҳияти ҳам шу.

**— Ҳозир одамларни хўжалик юритиш шакли ўзгартирилганидан ҳам кўра пировард натижа, мўмай даромад олиш мақсади кўпроқ қизиқтиради. Янги усулга ўтилгандан бери бу соҳада бирор ўзгариш қилиндими?**

— Ўринли гап. Деҳқонларимизда ишга бўлган муносабат тубдан ўзгарган. Ҳамма бир мақсадда, умуммулкни кўпайтириш ва шу йўл билан мўмай даромадли бўлиш учун хизмат қилмоқда. Мулкдорлар сафи кенгайиб бораяпти. Аввалгидай бригадир ёки муҳандис тракторни, автомашинани дуч келган жойга, бўлар-бўлмасга миниб кетавермайди. Ҳар бир нарса ҳисоб-китобли. Айниқса, ерга меҳр кучайди. Ер майдонларимизнинг асосий қисми йил — ўн икки ой мобайнида қайсидир бир экин билан банд бўлади. Ерга одамлар худди ўз томорқасидай муносабатда бўлишаётгани туфайли, бир йилда икки-уч марта ҳосил олишаётир.

1997 йилда режадагидан анча кўп, 8 минг тонна пахта тайёрланди. Ҳосилдорлик ўртача 40 центнерга етди. Муҳиддин Номозов бошлиқ бўлинмада ер майдони ўзгармаган ҳолда бултур 1996 йилга нисбатан ҳосилдорлик гектар бошига 3,5 центнерга кўпайди. Райим Бобоқулов, Ўрмон Чориев ва Абдурашид Абдузоиров етакчилик қилаётган бўлинмаларда эса ҳосилдорлик 45 центнердан ошди. Қисқаси, 57 та жамоанинг бирортаси ҳам ер чизиб қолгани йўқ — ҳаммаси пахта тайёрлаш режасини бажарди. Бу, албатта, одамларда ерга эгалик ҳисси кучайганидан далолатдир.

Яна бир гап. Деҳқонларимиз иложи борича мўл ва арзон ҳосил етиштириш, ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатларни кескин камайтириш чораларини кўришаяпти. Самарами? Ўтган йили вилоят хўжаликларида терим агрегатларидан фойдаланилмади ҳисоб. Бизда эса 1100 тоннадан кўпроқ ҳосил машиналар ёрдамида терилди. Ғаллачиликдаги ютуқларимиз ҳам чакки эмас. Йилни жами 203 миллион сўм даромад билан якунладик. Унинг 33 миллион сўми соф фойдадир. 11 миллион сўм эса дивиденд сифатида пайчиларга бўлиб берилади. Бундан ташқари, далада меҳнат қилувчилар йил бўйи ғалла, ун, пахта ёғи, гуруч билан таъминланмоқда.

**— Бошқарув аппарати ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Илгари бошқарувда юздан ортиқ киши ишларди, ҳозир атиги 30 киши банд. Бўлим, алмашлаб экиш участкаларидаги ортиқча иш ўринлари, лозим бўлмаган штатларнинг баҳридан ўтганмиз. Бўлинмалар ҳам йириклаштирилиб, уларнинг сони қисқартирилди. Масалан, совхоз даврида фақат пахтачилик соҳасида 35 тага яқин бўлим бўлган бўлса, бугунги кунда 15 таси фаолият кўрсатаяпти. Бригадирларнинг ўрнини эса ижрочилар эгаллашган. Ижрочи — бу оддий деҳқон. У бошқаларга нисбатан 15 фоиз кўп иш ҳақи олади, холос. Сабаби — ижрочи сувчи, мезанизатор, чопиқчи билан тенгма-тенг ишлайди, фақат уларга раҳбарлик қилиб, бажарилган иш сифатини ҳам назорат қилиб боради.

Дарҳақиқат, хўжаликнинг бир йиллик натижаси иш юритишнинг пай шакли ҳар томонлама афзаллигини кўрсатди. Биринчи марта дивиденд нима эканлигини англаган одамлар янги йилнинг дастлабки кунидан бошлабоқ кўтаринки кайфият билан ишламоқдалар. 1800 гектар майдондаги ғалла экинларининг ривожи баравж. Чигит экиладиган 2050 гектар ер эса куздаёқ сифатли шудгорлаб қўйилган. Шу кеча-кундузда ҳам дала ишлари жадал олиб борилаяпти: ерлар текисланаяпти, пушта олинаяпти. Фермалардан маҳаллий ўғит чиқарилаяпти. Таъмирловчилар эса чопиқ тракторлари ва сеялкаларни экиш мавсумига тайёрламоқдалар. Бу юмушларнинг ҳаммасини пайчилик жамияти аъзолари юқорининг топшириғини кутмасдан, ўз хоҳишлари билан, эмин-эркин бажармоқдалар.

**Усмонали НОРМАТОВ**
**суҳбатлашди.**

# РЕСПУБЛИКА БАДИИЙ ЖАМОАЛАРИНИНГ “НАВРЎЗ-98” КЎРИК-ТАНЛОВИ

“Наврўз” умумхалқ тантаналарида иштирок этадиган бадиий жамоаларнинг кўрик-танлови Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, “Наврўз” халқаро хайрия жамғармаси томонидан ўтказилади. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бадиий жамоалар, яккахон ижрочилар, оилавий ансамбллар иштирок этадилар.

**Кўрик-танловнинг мақсад ва вазифалари**

Кўрик-танловнинг мақсади ўзбек халқининг қадимий урф- одатлари, маросимлари ва анъаналарини қайта тиклаш, ҳар бир вилоятнинг ўзига хос бўлган маросимларини намойиш этиш, шунингдек, вилоятлардаги иқтидорли ижрочиларни излаб топиш ва уларнинг ижодини янада юқори босқичга кўтаришдан иборат.

**Кўрик-танловни ўтказиш тартиби ва шартлари**

«Наврўз» тантаналари учун тайёрланган дастурлар юксак бадиий талабларга жавоб бериши, байрам моҳиятини мумтоз ва замонавий санъатимиз ютуқларидан фойдаланган ҳолда очиши, шунингдек, унда халқ анъаналари, урф-одатлари, ўйинлари, лапарлари, термалари ҳамда айтишувларига кенг ўрин берилиши, маҳорат билан яратилган мусиқа ва моҳир ижрочиликда мутаносиблик бўлишини таъмин этишлари керак.

Танловга тавсия этилаётган бадиий дастурнинг давомийлиги 3-5 дақиқа атрофида бўлиб, матни 2-3 саҳифадан ошмаслиги, бадиий жиҳатдан пишиқ, пухта режиссурага асосланиб тайёрланган бўлиши шарт. Танловда иштирокчиларнинг ёши чекланмайди.

Дастур 21 март куни Алишер Навоий номидаги миллий боғда ўтадиган «Наврўз» умумхалқ байрамига бағишланган томоша доирасида иштирок этиш учун тавсия этилади.

Кўрик-танлов 1998 йилнинг 15 мартигача ўтказилади.

**Ғолиблар учун мукофотлар:**

— Халқ анъаналари, ўйинлари, урф-одатлари, лапарлар, термалар, айтишувлар асосида тузилган дастур шартларининг юксак ижроси учун: **Битта мукофот — 500 (беш юз) минг сўм.**

— Маҳорат билан ёзилган матнга муносиб мусиқа ва яхши ижрочилик билан уйғунлашган бадиий пишиқ, пухта режиссурага асосланган мавзули дастур учун: **Битта мукофот — 500 (беш юз) минг сўм.**

— Умумхалқ байрами моҳиятини мумтоз ва замонавий санъатимиз ютуқларидан фойдаланган ҳолда очиб, унинг республикамиз халқлари ҳаётида тутган ўрни, Ватанга, она-Ерга, инсонларнинг бир-бирларига меҳр-муҳаббат уйғотишни янги шакл ва услубларда очиб берганлиги учун: **Битта мукофот — 500 (беш юз) минг сўм.**

— Оилавий жамоалар ўз дастурларида юксак бадиийликка, мазмундорликка эришганликлари, оилавий анъаналар, миллий урф-одатлар ва қадриятларни тиклашга қаратилган мавзуларни кенг тарғиб этганликлари, оилани маънавий-ахлоқий жиҳатдан мустаҳкамлашда қўшиқчилик ва рақс санъатининг аҳамиятини тарғиб қилганликлари учун: **Махсус мукофот — «Тико» енгил автомобили (Ғолиб оилавий жамоа учун).**

**Дастурлар қуйидаги манзилга йўлланади:**

***Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.***
***Маданият ишлари вазирлиги.***
***Телефонлар: 144-63-73, 144-63-63.***



***Ҳаётда ҳамиша саҳнадагиларни кўрамиз-у, унинг ортидаги заҳматкашларни кўпам ўйлайвермаймиз. Худди шунингдек, китоб ўқий туриб, уни яратган инсонлар хусусида кўп нарсаларни билмаймиз. Бу иш билан жонкуяр матбаачилар шуғулланадилар.***

***Тошкент шаҳрида жойлашган ижарадаги матбаа комбинати — ана шундай даргоҳлардан бири. Айни вақтда комбинатда бадиий китоблар билан бирга бошланғич синф ўқувчилари учун дарсликлар ҳам чоп этилмоқда. Фотомухбиримиз Тўлқин Каримовнинг гувоҳлик беришича, бу масканда Малика Икромова (суратда) сингари жонфидо матбаачилар жуда кўп.***

## ИБРАТ

# НАФИС МАКТАБ ШУЪЛАСИ

Навбаҳор туманидаги «Учтут» қишлоғи Зарафшон дарёсининг шундоққина бўйида жойлашган. Бу ерда ёнма-ён ўсган учта қадимий тут дарахтининг ёши, айтишларича, ўн беш асрга тенг эмиш. Улардан энг йиригининг танасига олти кишининг қучоғи етмайди. Қарангки, ана шу кекса дарахтлар ҳануз одамларга ризқ-насиба улашиб келаяпти. Ҳар йили баҳорда ширил ҳосил беради. Ҳатто кексаларнинг нақл қилишларича, ўтмишда рўй берган оғир замонларда ҳам мана шу тутлар одамлар жонига оро кириб, қоринларини тўйғазган экан.

Халқ орасида уч тут ҳақида турли ривоятлар юради. Эмишки, олис замонларда бу ердан карвон йўли ўтган экан. Бир гал узоқ ўлкалардан мол олиб келаётган уч ака-ука савдогарлар шу жойда туяларини чўктириб, дам олишибди. Сафар олдидан эса, биздан хотира бўлсин, дея биттадан тут кўчати ўтқазиб кетишган экан. Яна бир ривоятда айтилишича, шўрлик онаизор юртни ғорат қилаётган ёвдан мурғак фарзандларини омон сақлаш учун кочиб кетаётганида ёғийлар шу ерда уни қувиб етиб, гўдакларини бирма-бир қиличдан ўтказибди. Норасида гўдакларнинг қонлари тўкилган жойдан эса учта тут ниҳоллари кўкариб чиқибди. Бундай оғир жудоликка чидай олмай савдойи бўлиб қолган бечора она умрининг охиригача ниҳолларини ўз болаларидай парваришлаб, вояга етказибди.

Бизни қувонтиргани шуки, Навбаҳор тумани ҳокимлиги қарори билан «Учтут» қишлоғида ташкил этилган нафис санъат лицейи бу дарахтларни ўзларининг доимий ҳимояларига олишибди. Тутларнинг атрофини тозалаб, махсус ўриндиқлар, дарахтлар ҳақидаги маълумотлар, ривоятлар ёзилган лавҳалар ўрнатишган. Илмга чанқоқ, зукко ёшлар билан суҳбатимиз чоғида улар ўзларининг ўқув юртлари ҳақида фахр билан сўзлаб беришди. Маълум бўлишича, бу ерда 120 нафар ўғил-қиз архитектура ва мусаввирлик, экология, тарих ва ҳуқуқшунослик йўналишлари бўйича пухта таълим олишаркан. Улар ётоқхона, кунига тўрт маҳал бепул овқат билан таъминланган. Ўқув қуроллари билан жиҳозланган фан хоналарида малакали мутахассислар дарс беришади. Лицей қошидаги тарих-ўлкашунослик музейини эса ноёб экспонатлар билан бойитишаётир. Айниқса, Бухоро шаҳри яқинидаги Сардоба номли тарихий жойда олиб борилган археологик қазиш ишлари чоғида уларнинг ўзлари тўплаган топилмалар музейнинг кўркига айланган. Яна бир эътиборли томони, мактабнинг «Арх-эко» деб номланган газетаси ҳам чоп этиларкан.

— Биз билим масканимиздаги мавжуд йўналишлар бўйича махсус ўқув дастурини ишлаб чиқаяпмиз, — дейди ўқув маскани директори Ҳамид Ҳотамов. — Бу мактаб программасидан кескин фарқ қилиб, ёшларга чуқур ва самарали билим беришни назарда тутади. Хусусан, уни тўлиқ ўзлаштирган болалар олий ўқув юртлари тест синовларидан бемалол ўтишлари мумкин бўлади.

Яқинда лицей қошида «Арх-эко» дизайн-реклама илмий-ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди. Унинг фаолиятидан келадиган фойда эвазига турли тадбирлар ўтказиш мўлжалланнаяпти. Вилоят бадиий жамғармаси ҳам ушбу ташаббусни маъқуллаб, бу борада уларга моддий кўмак беришга тайёр эканликларини маълум қилди. Лицейда меҳнат қилаётган истеъдодли мусаввир Нурилло Чориев ишлаган расмлар ўзининг нафис ва сержилолиги билан кишини ҳайратга солади. Ўтган йил баҳорида Нурилонинг ижодий кўргазмаси Навоий шаҳрида муваффақиятли намойиш қилинди. Энди улар ана шу кўргазмани республика миқёсида уюштириш ҳаракатида юришибди.

«Учтут» жамоа хўжалиги раҳбарлари ҳам нафис санъат лицейига имкон қадар кўмак бериб келаяпти. Хўжалик раиси Муқимжон Бекмуродов ҳар куни вақт топиб, бу ерга кириб ўтмаса, кўнгли жойига тушмас экан. Табиатан вазмин, «етти ўйлаб, бир гапирадиган» бу одам билим маскани билан фахрланади. У кишининг ташаббуси билан лицейга хўжаликнинг унумдор майдонларидан икки гектар ер ажратиб берилган экан. Ўқувчилар унинг бир қисмига буғдой экиб, яхшигина ҳосил олишибди. Қолганига эса анжир, анор, жийда, ток сингари ўн минг туп мевали дарахт кўчатлари ўтқазилган. Ўтган йил эрта баҳорида эса ўқувчилар яна қўшимча тарзда минг тупдан тол ва терак қаламчаларини экишди. Улар дарсдан бўш вақтларида ўз боғларини парвариш қилиш билан машғул. Ниҳоллар дарахтга айланиб, мевага киргач, қанчалик фойда келтиришини тасаввур этиш қийин эмас.

Дарҳақиқат, «Учтут» нафис санъат лицейда амалга оширилаётган хайрли ишлар кишини қувонтиради. Республикамизнинг чекка қишлоқларидан бирида ёшларга замонавий, пухта билим бериш йўлида шундай ибратли ишлар амалга оширилаётган экан, бундан қувонсак арзийди. Бир сўз билан айтганда, бу ишлар ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим тизимидаги ислоҳотларнинг маҳсулидир. Яқинда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонун бу борадаги ибратли ишларга қанот бўлиши, шубҳасиз.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# КАДРЛАР ЎҚУВИ

Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ, Самарқандда туманлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқлари, мутахассислари, мазкур соҳага таааллуқли корхона ва ташкилотлар бошлиқлари ҳамда хўжаликлар раҳбарларининг ўқуви бошланди.

Вилоят ҳокими А.Мардиев дастлабки машғулотда сўзга чиқиб, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис ўнинчи сессиясида, куни-кеча Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида ўртага қўйган вазифалар хусусида гапирди. У деҳқонларнинг ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорлигини ошириш, уларда ерга ва мулкка эгалик ҳиссини тарбиялаш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг пайчилик ва оила пудрати сингари усулларини кенгроқ жорий этиш масалаларига алоҳида тўхталди.

Ўн кунлик ўқув дастурига кўра, тингловчилар қишлоқ хўжалик тизимини ривожлантириш, илғор технологияларни жорий этиш масаларини муҳокама этадилар. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини ўрганадилар ва уларни янада такомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар.

**ЎзА мухбири.**

